МАМЛАКАТНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

П.Ш.Усмонов
Доцент и.о., Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан
Талаба**: З.Юлдошев**
Талаба**: Ж.Болтаева**
https://doi.org/10.5281/zenodo.20094078

Аннотация: Мақолада асосий капиталга йуналтирилган инвестицияларнинг аҳамияти ва вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини аниқлашда фойдаланилаётганлиги очиб берилган. Унда асосий капиталнинг вилоятлар кесимидаги тузилиши ёритилган.
Таянч сўзлар: салоҳият, активлар, бойлик, асосий капитал, тахлил инвестиция, асосий фонд, реал баҳо, асосий фонд, инфраструктура, модернизасия.

Аннотация: В статье раскрывается значение инвестиций в основной капитал и их использование в определении социально-экономического потенциала регионов. Описывается структура основного капитала по регионам.
Ключевые слова: потенциал, активы, богатство, основной капитал, аналитические инвестиции, основной капитал, реальная оценка, основной капитал, инфраструктура, модернизация.

Abstract: The article reveals the importance of investments in fixed assets and their use in determining the socio economic potential of the regions. The structure of fixed capital by region is described.
Keywords: potential, assets, wealth, fixed capital, analytical investments, fixed capital, real valuation, fixed capital, infrastructure, modernization.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилган иқтисодий сиёсати замирида мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш, аҳолиининг фаровонлигини ошириш каби асосий мақсад ётади. Мамлакатда мавжуд бўлган иқтисодий ресурсларнинг (бойлик) чекланганлиги туфайли ҳам ишлаб чиқариш имкониятларини оширишнинг энг самарали усули ресурслардан оптимал фойдаланиш ва юқори технологияга асосланган қўшимча капитал ресурсларни сафарбар этиш муҳим аҳамият касб этади.

Капитал ресурсларни ташкил этиш ва улардан оқилона фойдаланиш илмий тадқиқот ишларининг энг асосий сирасига киради. Шу боис ҳам мамлакат ва унинг вилоятлар кесимида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Аммо бизнинг тадқиқотимиз марказида уларнинг ҳар бирига тўхталиб, мазмун-моҳиятини очиб бериш эмас, балки Миллий ҳисоблар тизими бўйича статистик ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига энг бўлган вилоятлар кесимида капитал ресурсларни аниқлашда зарур бўладиган ҳамда зарурий компонентлардан бири бўлган-асосий капитални (асосий фонд) ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестицияларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Миллий бойликнинг бир бўлаги бўлиб, асосий капитал инсон томонидан яратилган ва товар ҳамда хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида буюмлашган меҳнат сифатида фойдаланилаётган, ўзининг қийматинии қатор йиллар давомида аста-секинлик билан маҳсулотнринг қийматига ўтказиб бораётган воситадир[1].

Мамлакат миқёсида ва вилоятлар кесимида ўрганганда ва унинг ҳисоби юритилганда, уларнинг географик, иқтисодий ва ижтимоий-демографик шароитлари инобатга олиш зарур. Вилоятларнинг жойлашуви, табиий шарт-шароитининг турличалигига кўра, асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлиги ҳам ҳар хил бўлади.

Ҳудудларга инвестицияларнинг кенг жалб қилиниши янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳоли иш билан бандлигини ўсишини таъминлайди. Академик Қ.Х. Абдураҳмоновнинг фикрича “Инвестиция борасида қарор қабул қилинганда, инвестор келажакда кўпроқ даромад олиш илинжида бугун харажат қилади. Табиийки, инвестициядан олинадиган даромадда ўзига яраша хатар даражаси ҳам бор, аммо улар келажакда олинадиган даромад эканлигини ҳисобга олсак, улар иқтисодий жиҳатдан қулай даврга тўғри келиши ҳам мумкин.” [2].

Айтиш жоизки, вилоятларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестицияларни ўрганиш, уларни назарий-услубий жиҳатдан таҳлил қилиш, реал баҳосини ҳисоблашнрнинг иқтисодий ривожланишини прогноз қилишнинг асосий омилидир. Биргина 2023 йилнинг январь-декабрида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 90 719,2 млрд. сўм (доллар эквивалентида 16,9 млрд. АҚШ долл.) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. 2023 йилда асосий капиталга инвестицияларнинг 61,0 % Тошкент шаҳри, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида ўзлаштирилди. Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида юқори инвестицион фаоллик кузатилди.

Худудлар	2023й		2024й	
	АК га инвестициялар нинг ўсиш сурати	Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар	АК га инвестициялар нинг ўсиш сурати	Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар
Қорақалпоғистон Республикаси	49.1	48.5	162.2	159.9
Андижон вилояти	99.6	97.9	119.1	117.1
Бухоро вилояти	151.7	149.4	50.4	49.7
Жиззах вилояти	103.1	101.1	155.9	152.8
Қашқадарё вилояти	123.5	121.1	107.0	104.9
Навоий вилояти	78.8	77.5	184.6	181.5
Наманган вилояти	103.7	101.8	171.2	168.0
Самарқанд вилояти	89.9	88.3	119.2	116.9
Сурхандарё вилояти	138.5	135.	149.5	146.3
Сирдарё вилояти	101.5	99.9	111.7	109.9
Тошкент вилояти	120.4	121.3	153.7	152.3
Фарғона вилояти	96.2	94.7	146.6	144.3
Хоразим вилояти	113.9	112.0	122.8	120.8

Тошкент шахар	103.7	102.2	114.7	112.7

Аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестицияларнинг 2023 йилда юқори кўрсаткичлар Бухоро вилоятида 5929,3 минг сўм, Тошкент шаҳрида 4714,3 минг сўм (102,2 %), Қашқадарё вилоятида 3265,0 минг сўм (121,1 %), Навоий вилоятида 2930,2 минг сўм (77,5 %), Сирдарё вилоятида 1636,3 минг сўм (99,9 %) ва Тошкент вилоятида 1511,9 минг сўм (95,3 %) қайд этилди.

2024 йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Навоий вилоятида – 10411,0 минг сўм (ёки 2023 йилга нисбатан 181,5%), мос равишда Тошкент шаҳрида – 11087,5 минг сўм (112,7 %), Қашқадарё вилоятида – 4816,6 минг сўм (ёки 104,9 %), Бухоро вилоятида – 4162,9 минг сўм (ёки 49,7%), Қорақалпағистон Республикасида – 3257,7 минг сўм (159,9 %), Тошкент вилоятида – 3247,1 минг сўм (122,3 %) ва Наманган вилоятида – 2615,8 минг сўм (168,0 %) қайд этилди. Буларнинг барчасини ҳудудда олиб борилаётган модернизация жараёнлари ва нефт-газ конларини ўзлаштириш ва углеводород ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий сиёсат билан изоҳлаш мумкин.

Иқтисодий омиллар ўзгармаган шароитда қайси бир вилоята асосий капиталга киритилган инвестициялар юқори бўлса, ўша вилоята ишлаб чиқариш ҳажми ҳам юқори бўлади. Чунки капиталнинг захираси юқори бўлганлиги боис, омил унумдорлиги ошиб, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди. Аммо иқтисодиётда шундай ҳолатлар ҳам кўзатиладики, ҳаддан ташқари капитал захирасининг кўплиги, капитал омилининг унумдорлигини пасайтириб, пировардида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсир ҳам кўрсатади. Чунончи, капитал захирасининг кўпайиши билан бирга, меҳнат ресурсларининг ҳам сфат кўрсаткичи параллел равишда юқори бўлиб бориши зарурий шарт ҳисобланади. Бу эса киритилган инвестициялар билан бирга, бир йил давомида яратилган миллий бойлик ўртасида унчалик ҳам юқори боғлиқлик мавжуд эмаслигидан далолат беради. Шунинг учун, вилоятларни комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилаётганда барча омилларни ҳисобга олишни аниқ регрессион моделлар оқилона иқтисодий қарорларни қабул қилишни зарурия даражасига олиб чиқишни талаб этади.

Мамлакат иқтисодиётини технологик жиҳатдан янгилаш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, ялпи ички маҳсулотнинг энергиия, материал сиғимкорлигини қисқартириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини тубдан яхшилаш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга ўтказишнинг моддий асосларини яратиш имконини беради. Иқтисодиётни таркибан модернизация қилиш эса ёқилғи ва хом ашё тармоқлари, ярим фабрикат ишлаб чиқаришни қисқартирган ҳолда юқори технологияни ўзида мужассамлаштирган тайёр маҳсулот улушини қўпайтириш имконини беради. Жумладан, экспорт таркида хом ашё, ёқилғи улушини қисқартирган ҳолда тайёр, инновацион маҳсулот ва хизматлар улушини мутаносиб равишда оширишга омил бўлади. Натижада мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида “билимлар иқтисодиёти” улушининг ортишига ва миллий иқтиодиётни инновацион ривожланишга асосланган суръатларда тараққий этишига мустаҳкам асос ратилади.

Таъкидлаш лозимки, модернизация қилиш жараёнлари кучаётган бир шароитда давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли оралиқдаги инвестицион стратегияси қуйидагивазифаларни ҳал этишга қаратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

-иқтисодиётнинг юқори суръатдаги рақобатдошлигини таъминлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш;

-мамлакат бойлигини оширишда капитал ресурслардан унумли фойдаланиш, омилларининг чекли камайиб бориш қонунидан келиб чиқиб, иқтисодий ресурсларни мақбул нисбатда фойдаланиш бўйича моделларни иишлаб чиқиш;

-вилоятларниг бир маромда барқарор ривожланишини таъминлаш ва уларнинг бир текисда катта тафовутларсиз тараққий этишига хизматга хизмат қиладиган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш чораларини кўриш;

-иқтисодиётнинг импорт ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган, шунингдек, юқори қўшимча қиймат яратадиган етакчи устувор тармоқларини қўллаб-қувватлаш;

-ички инфраструктура соҳасини ривожлантиришга қаратилган устувор инвестицион лойихаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

-маҳаллий ва чет эл инвесторларининг инновацион-инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлаш шулар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Классификация активов, включаемых в состов национальъного богатства в соответствии с концепцией Системы национальных счетов. http://www.grandars.ru/student/statistika/sostav-nacionalnogo-bogatstva.html.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти назария ва амалиёт. Дарслик.-Т.: Fan, 2019. -212-466 б.
3. www.стат.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.